ISSN: 2181-4341, IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 9.145, SJIF – 5,431

Muallif: **Yaratov Jamil Vasilovich**

Иш жойи: Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Email: yaratovjamil@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш борасидаги қонунчилик ва ҳуқуқий базани такомиллаштириб бориш масалалари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтлари ўзининг фаолияти мезонлари бўйича таснифланиб, уларнинг демократик ислоҳотларнинг самараси ва давомийлигини таъминлаш борасидаги фаолият йўналишлари таҳлили ифодаланган.

Калит сўзлар: жамият, фуқаро, шахс, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институти, давлат, адолат, ҳуқуқий жамият.

Аннотация: В данной статье рассматриваются организационно-правовые основы институтов гражданского общества в Узбекистане, вопросы совершенствования законодательно-правовой базы для повышения роли институтов гражданского общества в государственном управлении и общественной жизни. Кроме того, институты гражданского общества классифицируются по критериям их деятельности, и представлен анализ их сфер деятельности для обеспечения эффективности и устойчивости демократических реформ.

Ключевые слова: общество, гражданин, человек, гражданское общество, институт гражданского общества, государство, правосудие, юридическое общество.

Abstract: This article examines the organizational and legal foundations of civil society institutions in Uzbekistan, issues of improving the legislative and legal framework to increase the role of civil society institutions in public administration and public life. In addition, civil society institutions are classified according to the criteria of their activities and an analysis of their areas of activity to ensure the effectiveness and sustainability of democratic reforms is presented.

Keywords: society, citizen, person, civil society, institution of civil society, state, justice, legal society.

Кириш. Фуқаролик жамияти институтлари давлат органлари билан бир қаторда, мамлакат ижтимоий ҳаётининг барқарор ривожланишида муҳим ўрин тутади. Улар инсон ҳуқуқлари, ижтимоий фаоллик, адолат ва ўзаро ҳамкорлик тамойилларига асосланади. Ўзбекистон Республикасида ҳам сўнгги йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Мазкур мақсадга эришиш жараёнида босқичма-босқич фуқаролик жамиятининг таркибий институтларини, хусусан, унинг муҳим бўғини ҳисобланган нодавлат нотижорат

ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ролини ошириш борасида туб ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Бинобарин, самарали фаолият юритадиган фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасига мувофиқ давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, **фуқаролик жамияти институтлари** ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар. Конституциямизнинг XIII боби фуқаролик жамияти институтларига бағишланган бўлиб, унда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари **фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши** белгиланган[1].

Фуқаролик жамияти институтлари – бу давлатдан мустақил, лекин жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритувчи, фуқароларнинг манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи тузилмалар тизимидир. Улар давлат ва жамият ўртасида воситачи сифатида ҳаракат қилиб, ижтимоий барқарорлик, ҳамкорлик ва фуқароларнинг фаоллигини таъминлайди[2].

Фуқаролик жамиятининг асосий институтларига касаба уюшмалари, хотин-қизлар ташкилотлари, ёшлар ташкилотлари, фахрийлар уюшмалари, ижодий уюшмалар ҳамда ногиронлиги бор шахслар ташкилотлари каби тузилмалар киради. Ушбу институтларнинг ҳар бири алоҳида соҳада фаолият юритса-да, улар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдирган ҳолда ягона мақсад – ижтимоий адолат, барқарорлик ва фуқароларнинг фаоллигини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда юртимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолати сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари амалда бўлиб, соҳанинг ҳуқуқий асоси узлуксиз такомиллашиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сонли фармони билан тасдиқланган 18 банддан иборат **2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлар** ижроси таъминланди[3]. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

[2] https://constitution.uz/uz/pages/fuqarolik_jamiyati_institutlari

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сонли

февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон фармони билан **Эркин фуқаролик жамиятини ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, Ўзбекистонни фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича хабга айлантириш** вазифаси ҳамда **Фуқаролик жамиятини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси** ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланган[4].

Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунига мувофиқ давлат органлари, **фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик субъекти**, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари**, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган **нодавлат нотижорат ташкилотлари**, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъекти эканлиги белигланган.

Фуқаролик жамияти бу – эркин, демократик, ҳуқуқий цивилизациялашган жамият бўлиб, унда яккаҳокимлик режимига, волюнтаризмга, синфий адоватга, тоталитаризмга, одамлар устидан зўравонлик қилишга ўрин йўқ. Бундай жамиятда фақат ва фақат қонун, ахлоқ, инсонпарварлик, адолат устуворлик қилади. Бу жамиятда кўп укладли рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти, ташаббускор тадбиркорлар иқтисодий ривожланишнинг асосини ташкил этади, турли ижтимоий қатламлар манфаатлари мувозанатга келтирилиб турилади[5].

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий характери, унинг адолат ва эркинликнинг олий талабларига жавоб бериши фуқаролик жамиятининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Давлат ва жамиятнинг муносабатлари такомиллашиб боргани сари фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий база ҳам ўзгариб боради.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтларини қуйидаги мезонлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Иқтисодий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар: хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлари, ижара асосида ишловчи жамоалар, ҳиссадорлик жамиятлари, молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар, ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари, тадбиркорлар палата ҳамда уюшмалари ва бошқалар.

фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.03.2021 й., 06/21/6181/0182-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон)

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.02.2026 й., 06/26/21/0145-сон; 30.03.2026 й., 06/26/46/0290-сон

[5] Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003. 20-бет.

2. Ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар: оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус ташкилотлар, таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари), жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; мустақил омммавий ахборот воситалари, диний ташкилотлар, миллий-маданий марказлар, ихтиёрий кўнгилли жамиятлар, жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари ва бошқалар;

3. Сиёсий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи институтлар ва тузилмалар: сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи институтлар ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти институтларининг демократик ислоҳотларнинг самараси ва давомийлигини таъминлаш борасидаги фаолиятларини қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлил этиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, уларнинг давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш эканлигини эътироф этиш жоиз. Айтиш мумкинки, ушбу институтларнинг роли айнан демократик жараёнларнинг ривожланиш даврида уни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашда кўринади.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг энг оммавий шаклларидан ҳисобланган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва касаба уюшмалари жамиятнинг ижтимоий тараққиётига сезиларли даражада таъсир ўтказмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу институтнинг ижтимоий жараёнлардаги таъсири тобора кенгайиб бормоқда.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдига муайян мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши ҳамда янгидан-янги муаммоларнинг юзага келиши ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтлари фаолият йўналишларининг ўзгариб бориши, ўз-ўзидан унинг ўзгача моҳият касб этишига олиб келади. Бинобарин, ушбу институтлар бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнининг ажралмас ва зарурий бўғинига айланиб улгурди. Бундай шароитда уларнинг функциялари доираси кенгайиб бориши ҳамда турли хил шаклларда намоён бўлиши объектив хусусиятга эгадир.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сонли фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон фармони.

6. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т.: Шарқ, 2003.

7. constitution.uz/uz/pages/fuqarolik_jamiyati_institutlari